

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2026 йил январь ойининг 6 куни жиноят ишлари бўйича Бахмал туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи туман судининг раиси Д.Амиров, судья ёрдамчиси С.Икрамовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Бахмал туман прокурорининг ёрдамчиси Р.Курбанов, жабрланувчи Ф.Турсунбоев, судланувчи А.Эргашев ва унинг химоячиси “Малакали химоя” адвокатлар хайъати адвокати О.Холмурадовларни иштирокида, Эргашев Арслонбек Улуғбек ўғлига оид 1-1304-2501/57-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Эргашев Арслонбек Улуғбек ўғли (Ergashev Arslonbek Ulug‘bek o‘g‘li), 1993 йил 28 июнда Жиззах вилояти, Бахмал туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Жиззах вилояти, Бахмал тумани, “Сангзор” МФЙ, Чубор қишлоғида яшайди, иш бўйича “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2025 йил 2 октябрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг “м” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ҳамда гувоҳларнинг кўрсатувлари, тарафларнинг музокараси ҳамда судланувчининг охирги сўзини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб, ишда мавжуд далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни,

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи А.Эргашев, 2025 йил 27 июль куни соат тахминан 18:00 ларда қишлоқдоши Ф.Турсунбоев билан Бахмал тумани, “Сангзор” МФЙ, Чубор қишлоғида жойлашган қўй боқиш учун ғалла ўримида бўшаган ерларни талашиб, ўзаро жанжаллашиб, Ф.Турсунбоев ҳақоратидан жахли чиқиб, уни қўй боқиши учун ишлатадиган чўпон таёғи билан қасддан уриб, ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 2025 йил 6 августдаги №558-сонли хулосасига кўра, Ф.Турсунбоевни танасидаги тан жароҳатлари яъни: чап қўл 2-бармоқ ўрта фалангасининг ёпиқ синиши, пешона соҳасидаги тирналган жароҳати, ўнг елкасининг юқори олд қисмидаги қонталаши қаттиқ тўмтоқ жисмлар таъсирида уриб етказилган бўлиши мумкинлиги, олинмиш муддати фуқаронинг ўзи кўрсатган кунга яъни 2025 йил 27 июлга тўғри келиши мумкинлиги, соғлиқнинг узоқ муддатга бузилиши уч хафтадан (21 кундан) ортиқ бўлган муддатга бузилишига олиб келишини назарда тутиб, оғирлик даражаси бўйича ўртача оғирликдаги шикаст деб баҳоланган.

Судланувчи А.Эргашев айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳозирда мавсумий дехқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиб келишлигини,



Бахмал тумани, “Сангзор” МФЙ, Чубор қишлоғида отаси У.Ахмедов номида бўлган фермер хўжалиги ерларига ғалла экинларини экиб, дехқончилик ва чорвачилик йўналиши бўйича фаолият олиб боришини, 2025 йил июль ойида фермер хўжалиги ғалла ўрмидан кейинги ерга чорава моллари ва қўйларни боқиш учун “Саидахмад” исмли чўпонга рухсат берганлигини, 2025 йил 27 июль куни соат тахминан 18:00 ларда унга таниш бўлган чўпонлик билан шуғулланувчи Ф.Турсунбоев кўнғироқ қилиб, Саидахмад исмли чўпоннинг қўйлари унинг ерларига тушаётганлигини айтиб, кўпол муомала қилганлигини, шундан сўнг Ф.Турсунбоевнинг олдига борганида, Саидахмад унинг ерлари ҳудудидан қўйларини ҳайдаб ўтмаслигини айтиб, уни ҳақорат қилганлигини, Ф.Турсунбоевга уни ҳақорат қилмаслигини, тинчланишини айтсада, Ф.Турсунбоев ҳақорат қилишда давом этаверганлигини, шунда жаҳли чиқиб кетиб, унинг олдига бориб, боши ва юз қисмига қўли билан муштлаб урганлигини, Ф.Турсунбоев кўлидаги чўпон таёғи билан унга тармашиб, урмоқчи бўлганида, ўзини ҳимоя қилиш учун ёнида бўлган қўйларини ҳайдаб келган чўпон таёғини олиб, қаршилиқ кўрсатганлигини, бироқ таёғи билан урмаганлигини, Ф.Турсунбоев йиқилиб тушганида, қўлига тегиб юборганлигини, шу вақтда далада улар билан бирга чўпонлик қилиб юрган чўпон танишлари Усмон ва Саидахмад уларни ажратиб юборганлигини, ҳақиқатдан ҳам Ф.Турсунбоевнинг юз ва бош қисмига қўли билан бир икки маротаба урганлигини, йиқилганида эса қўлига тепганлигини, Ф.Турсунбоевни таёқ билан урмаганлигини, ўша куни унинг кўлида бўлган таёқ қўйларни ҳайдаб юрганида синиб кетганлиги сабабли ташлаб юборганлигини, қилган ишидан чин кўнғилдан пушаймонлигини, бу ҳолатни бошқа такрорламаслигини, жабрланувчидан кечирим сўраганлигини, келгусида қайта жинойт содир этмаслини баён қилиб, енгиллик беришни сўради.

Суд мажлисида сўралган жабрланувчи Ф.Турсунбоев, дастлабки терговда берган кўрсатувларини тўлиқ тасдиқлашини, ҳозирда Бахмал тумани, “Сангзор” МФЙ ҳудудидаги Чубор қишлоғида қўй боқиб, чорвачилик билан шуғулланиб келишлигини, 2025 йил ёз ойларида Чубор қишлоғи ҳудудидаги тоғга туташ бўлган, ғалла ўрмидан қолган дала майдонларида дала майдонининг эгасидан рухсат сўраб, ўзи ва танишларига тегишли бўлган қўйларни боққанлигини, 2025 йил 27 июль куни тахминан соат 18:00 ларда ғалла ўрмидан қолган дала майдонларига қўй боқиш учун келганида, унга аввалдан таниш бўлмаган ўзини Саидахмад деб таништирган чўпон қўйларини рухсат олган ерларидан ҳайдаб ўтаётганида, нима сабабдан қўйларини ҳайдаб ўтаётганини сўраганлигини, Саидахмад унга қўй боқадиган даланинг ёнидаги А.Эргашевга тегишли ер майдонларини вақтинчалик ижарага қўй боқиш учун сотиб олганлигини, қўйларини ўша жойга олиб бориш учун ҳайдаб ўтаётганини айтганидан сўнг А.Эргашевга кўнғироқ қилиб, бу ҳақда сўраганида, ҳақиқатдан ҳам ғалла ўрмидан қолган ерларини Саидахмад исмли чўпонга қўйларини боқиш учун сотганлигини айтганлигини, орадан бироз вақт ўтиб, А.Эргашев қўйларининг боқиб, агини миниб, унинг олдига келганида, А.Эргашевга ғалла ўрмидан қолган дала майдонларини вақтинчалик Саидахмадга сотганидан эътирози



йўқлигини, бироқ Саидахмад кўйларини у боқаётган ердан хайдаб ўтмаслигини айтганида, А.Эргашев уни ҳақорат қилиб, ўзаро гап таллашиб, жанжаллашиб қолишганлигини, А.Эргашев юзига кўли билан муштлаб ва кўлидаги чўпон таёғи билан уни урганлигини, ўзи ҳам ўзини ҳимоя қилиш мақсадида кўшидаги чўпон таёғини унга йўналтирганида, таёғи теккан ёки тагмаганлигини билмаслигини, А.Эргашев яна чўпон таёғи билан унинг чап кўли бармоғига уриб юборганлигини, уларни Саидахмад ва Усмон исмли чўпонлар ажратиб қолишганлигини, шу пайтда чап кўли бармоғида қаттиқ оғриқ бўлганлиги сабабли, телефонида кўнғироқ қилиб, Жиззах вилояти ИИБ нинг 102 рақамига мурожаат қолдирганилигини, ИИБ ходимлари унга тез тиббий ёрдам юборишганлигини, тез ёрдам хизмати ҳодиса содир бўлган жойга етиб келиб, биринчи тиббий ёрдам кўрсатишганлигини, ўша куни А.Эргашев уни ҳақорат қилиб, юзига кўли билан мушти ва чўпон таёғи билан кўлига уриб тан жароҳати етказганлигини, А.Эргашевга нисбатан қонуний чора кўришни ва унга етказилган зарарларни ундириб беришни сўраб, кўрсатув берди.

Гувоҳ У.Эшназаров судда, дастлабки терговда берган кўрсатувларини тўлиқ тасдиқлашини, мавсумий чорвачилик билан шуғулланиб, чўпонлик қилиши, 2025 йил 27 июль куни соат тахминан 18:00 ларда Бахмал тумани, “Сангзор” ҚФЙ, Чубор қишлоғида ғалла ўрмидан қолган далада кўйларни боқиб юрганида, А.Эргашев ва Ф.Турсунбоевларнинг бир-бири билан гап таллашиб ҳақорат қилаётганини кўриб қолганлигини, у ерда Саидахмад исмли чўпон ҳам бўлганлигини, уларнинг олдига яқинлашганида Ф.Турсунбоев, А.Эргашевни “к*тингни ҳам бер”- деб ҳақорат қилганлигини, А.Эргашев Ф.Турсунбоевнинг юзига икки мушт тушурганлигини, уларнинг олдига келиб ажратишга ҳаракат қилганида улар бир-бирига кўлларидаги чўпон таёқлари билан ташланишганлигини, А.Эргашев кўлидаги таёғи билан Ф.Турсунбоевнинг кўлига уриб юборганлигини, Саидахмад чўпон билан уларни ажратганлигини, шундан кейин Ф.Турсунбоев кўлидан тан жароҳати олганлиги сабабли ҳодиса содир бўлган жойга тез тиббий ёрдам чақирганлигини, тез тиббий ёрдам машинаси келиб, Ф.Турсунбоевга биринчи ёрдан кўрсатганлигини, кейинчалик билишича улар кўй боқиш учун ғалла ўрмидан қолган ерларни таллашиб, жанжаллашганлиги ҳақида баён қилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида, “Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошкора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланади. Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмас ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин. Агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас” деб кўрсатилган.



Суд мазкур конституциявий норма қоидаларига амал қилиб, давлат айбловчисининг хулосасини, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини ва ҳимоячининг фикрларини ҳамда жиноят ишида мавжуд ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, судланувчи А.Эргашевнинг жиноят содир этганликдаги айби, ўзининг айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувлари, жиноят иши ҳужжатларида мавжуд ариза ва билдирги, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар, экспертиза хулосаси, юзлаштириш баённомаси ва жиноят ишида мавжуд бўлган суд мажлисида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси тартибида текширилган далиллар билан ўз тасдиғини топди деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи А.Эргашевга қўйилган айб квалификациясини муҳокама қилиб қўйидаги хулосага келди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи А.Эргашевнинг содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлмаган, лекин соғлиқнинг узоқ вақт, яъни камида йигирма бир кун, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган даврда ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилятининг ўн фоизидан ўттиз уч фоизигача йўқолишига сабаб бўлган қасдан баданга ўртача оғир шикаст етказишда ифодаланган ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг “м” банди билан, яъни қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб содир этиш билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида” ги 7-сонли қарорининг 5-бандида “Судларнинг эътибори, ЖПКнинг 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилсин. Судлар ҳукм ЖПК нинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак” деб кўрсатилган талабидан келиб чиқиб, суд судланувчи А.Эргашевнинг содир қилган жиноятига суд жараёнида текширилиб аниқланган ҳолатларга кўра баҳо беришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 июлдаги “Қурол тўғрисида” ги ЎРҚ-550-сонли қонунига кўра, қурол деганда тузилишига кўра жонли нишонни ёки бошқа нишонни уриш, сигналлар бериш учун мўлжалланган қурилмалар ва ашёлар, совуқ қурол сифатида фойдаланиши мумкин бўлган ашёлар деганда эса касбий, ишлаб чиқариш ёки спорт фаолиятида ёхуд хўжалик-маиший мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланган, саноат усулида ёки қўлбола тарзда ясалган тиғли, кесувчи ашёлар (пичоқлар, бигизлар ва бошқа учи ўткирланган санчиладиган, кесувчи ашёлар), жисмоний куч ишлатганда шикаст етказиши мумкин бўлган ашёлар (бейсбол биталари, сафтбол ўйини учун биталар) тушунилиши белгиланган.

Иш ҳужжатларига кўра, судланувчи А.Эргашев, 2025 йил 27 июль куни 18:00 ларда, қишлоқдоши Ф.Турсунбоев уни ҳақорат қилгани билан Бахмал тумани, “Сангзор” МФЙ, Чубор қишлоғида жойлашган дала



майдонида Ф.Турсунбоевнинг юз соҳаси ва қўлига ўзи билан олиб келган чўпон таёғи билан қасддан уриб, тан жароҳати етказган бўлиб, судланувчи А.Эргашев томонидан жабрланувчи Ф.Турсунбоевга нисбатан тан жароҳати етказишда фойдаланган таёқ “Қурол тўғрисида” ги қонун талабига кўра қурол ёки совуқ қурол сифатида фойдаланиши мумкин бўлган ашё ҳисобланмайди.

Суд, юқорида қайд этилган асосларга ва Конституция, қонун ҳамда Олий суд Пленумининг тушунтиришларидан, иш бўйича аниқланган ҳақиқий ҳолатлардан келиб чиқиб, судланувчи А.Эргашевнинг жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг “м” бандидан ЖК 105-моддасининг 1-қисмига қайта квалификация қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузатилиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланиши кераклиги;

ЖК нинг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

ЖК нинг 42-моддасида, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши қайд қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасининг 4-қисмида, “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак” деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1-бандида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амалга қилишга қаратилиши лозимлиги, 3-бандида, “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорининг 28-банди 2-хатбошисида “Жазолашдан кўзланган мақсадга енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкин. Судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг



шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари керак” деб тушунтириш берилган.

Суд, қайд этилган конституциявий нормалар ҳамда конун талабларига мувофиқ, судланувчи А.Эргашевга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда, унинг оилавий ва моддий шароитини, оилали бўлиб, уч нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, муқаддам судланмаганлигини, айбига иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини ЖК нинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, жиноятни ғаразли ва паст ниятларда содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, жиноятни хусусиятини, жиноятни ижтимоий хавфлилик даражасини, жабрланувчини даъвоси борлигини инobatга олиб, унинг қилмиши квалификация қилинган ЖК 105-моддасининг 1-қисми санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни ва жазони Бахмал туман ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳи томонидан белгиланган жойларда ўташликни белгилашни лозим топди.

Шунингдек суд, жабрланувчи Ф.Турсунбоевга судланувчи А.Эргашев томонидан етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш бўйича фуқаролик суд ишларини юритиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Эргашев Арслонбек Улуғбек ўғли (Ergashev Arslonbek Ulug‘bek o‘g‘li) Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин ва унга шу модда билан билан иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазо муддати ҳукм Бахмал тумани ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳи томонидан рўйхатга олиниб, иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин ва жазо Бахмал тумани ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳи томонидан белгиланган жойларда ўтаттирилсин.

Жазо ижросини назорат қилиш Бахмал тумани ИИБ Пробация гуруҳи бошлиғи зиммасига юклатилсин.

А.Эргашевга қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилиниб, гаров тариқасида Жиззах вилоят ИИБ ТБ депозит ҳисоб рақамига топширилган 8.235.000 (саккиз миллион икки юз ўттиз беш минг) сўм пул маблағи гаровга қўювчи А.Эргашевга қайтарилсин.

Жабрланувчи Ф.Турсунбоевга судланувчи А.Эргашев томонидан етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш бўйича фуқаролик суд ишларини юритиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилсин.

Тарафларга ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчига ва брланувчига ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан ўн сутка ичида элляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач эса кассация тартибида шу



суд орқали Жиззах вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Раислик қилувчи:

Д.А.Амиров

Маъсул судья: Амиров Дилмурод Амирович



Ҳужжат имзоланган: Амиров Дилмурод Амирович, 08.01.2026

